

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДЖИТДИНОВ КАРИМ РАХМАТЖАНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ РАҚОБАТДОШ  
УСТУНЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ  
(«Асака» акциядорлик тижорат банки мисолида)**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

УДК: 336.717.(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижа**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on economic sciences**

**Таджитдинов Карим Рахматжанович**

Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини шакллантириш  
ва ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари  
(«Асака» акциядорлик тижорат банки мисолида) ..... 3

**Таджитдинов Карим Рахматжанович**

Методические аспекты формирования и развития конкурентных  
преимуществ коммерческого банка  
(на примере акционерного коммерческого банка «Асака») ..... 31

**Tadjitdinov Karim Rakhmatjanovich**

Methodical aspects of formation and development of competitive advantages  
of the commercial bank  
(By the example of Joint-Stock Commercial Bank «Asaka») ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДЖИТДИНОВ КАРИМ РАХМАТЖАНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ РАҚОБАТДОШ  
УСТУНЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ  
(«Асака» акциядорлик тижорат банки мисолида)**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt423 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Гулямов Саидасрор Саидахмедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хошимов Элмурод Абдусаттарович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнги йилларда банк бизнеси ривожланиши банк хизматлари мазмун-моҳияти, уларга жаҳон иқтисодиёти ва миллий давлатлар иқтисодиёти тараққиёти тенденциялари, банк миқозлари потенциал эҳтиёжлари ва бошқа омилларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар билан ҳамоҳанг бормоқда. Рақобатбардош банк тизими мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, «Япония, Швейцария, Канада, Хитой ва Бразилия каби мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида банк соҳаси муҳим ўрин тутади»<sup>1</sup>. Банк секторининг иқтисодий ўсишга таъсири кредитларнинг ЯИМга нисбати сифатида белгиланадиган «иқтисодиётнинг молиявий чуқурлиги» кўрсаткичи билан ифодаланади. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткичнинг қиймати: Японияда – 180 фоиз, еврохудуд мамлакатларида – 160 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>.

Иқтисодий жараёнларнинг жадал ривожланиши миллий банк тизимининг узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлигини белгиловчи рақобатдош устунликларини таъминлаш вазифасини келтириб чиқаради. Иқтисодиётни молиявий ресурс билан таъминловчи, ишлаб чиқариш жараёнининг воситачиси ҳисобланган барқарор тижорат банклари тизимисиз миллий иқтисодиётнинг юқори самараси ва барқарорлигига эришиш мумкин эмас. Сўнги йилларда жаҳон банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни эрта аниқлаш ҳамда тегишли таъсир чораларини ишлаб чиқиш, тижорат банкларининг истиқболдаги рақобатдошлиги даражасининг ўзгариши ва унинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини баҳолаш масалалари муҳим илмий аҳамият касб этиб, халқаро молия институтлари, кўплаб илмий марказлар банкларнинг рақобат устунликлари, уларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, улар молиявий барқарорлигининг миллий иқтисодиёт ривожига таъсири муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим стратегик вазифаси, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг молиявий асосини белгилаб берувчи, иккинчи томондан банк менежменти самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилувчи рақобатбардош банк тизимини яратиш ҳисобланади. «Банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур»<sup>3</sup>. Молия бозорининг ривожланиши тижорат банклари фаолиятининг принципларини қайта кўриб чиқишни ҳамда ушбу принципларнинг асоси

---

<sup>1</sup> Сайт Международного Валютного Фонда. – URL:<http://www.imf.org>

<sup>2</sup> Фурман В. Активизация кредитования как источник экономического роста // «Зеркало недели». – Киев. 2018 -№1. -С. 22-24.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

сифатида банкларнинг рақобатдош устунликларини яратишни тақозо этмоқда. Тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида рақобатдош устунликларни кучайтириш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни ўз ичига олувчи бошқарув тизими зарурдир. Бундай тизимнинг асосий элементи – банк фаолияти самарадорлигининг ошишига имкон яратувчи омилларни аниқлашга йўналтирилган рақобатбардошликни баҳолаш ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон реал банк бозоридаги рақобат ҳамда тижорат банкининг рақобатдош устунликларини баҳолаш масалалари нафақат назарий, балки амалий қизиқиш уйғотади. Бундай ҳолат эса тўғри ва асосланган таҳлил банкнинг банк хизматлари бозорида муносиб ўрин эгаллашига, банкнинг бозорда эгаллаган позициясини аниқлашга имкон яратиб, шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ривожланишни ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилиш билан боғлиқдир. Ўзбекистонда фаолият юритаётган банк таҳлилчилари ва банк бошқарувчилари учун бозор рақобатини таҳлил қилиш ва тижорат банкининг рақобатдош устунликларини баҳолаш билан боғлиқ масалалар бутун банк тизими ва алоҳида олинган тижорат банкининг ривожланишини баҳолашда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий адабиётларда рақобат назариясига оид кўплаб мақолалар, шунингдек, фундаментал ишлар мавжуд. Рақобатнинг назарий масалалари сиёсий иқтисоднинг классик мактаби вакиллари ҳамда «табiiй тартиб» зарурлигини асослаб берган ва иқтисодиёт рақобат шароитида энг юқори натижаларга эришади, деб ҳисоблаган таниқли иқтисодчи-олимларнинг ишларида баён этилган. А.Смит, Д.Рикардо, Дж.Милль, Ж.Б.Сей, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ф.А.Хайек, Дж.Кейнс,

П.Сраф, Дж.Робинсон, Э.Чемберлин, А.О.Курно, Ф.И.Эджуорт, А.П.Лернер, К.Викселл, У.Джевонс, М.Портер, П.Самуэльсон, Ф.Фишер каби олимлар рақобат назариясининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. М.Монти<sup>4</sup> ва М.Клейн банк рақобати назариясининг асослари ва монополиячи – банкнинг назарий моделларини яратдилар. Бошқа олимлар мукамал ва номукамал рақобат шароитида банкларнинг хатти-ҳаракати моделини тўлдирдилар (хусусан, А.Шталь) ва умумлаштирдилар (К.Фрейкс, Ж-Ш.Роше, П. Конюховский<sup>5</sup>). А.Бергер, А.Бут, М.Гузман, А.Демиргук-Кунт, М.Дженсен, М.Петерсен, Р.Райан, А.Сандерс, С.Л.Наффер ва бошқалар бозор рақобатдош тузилмасининг банкларнинг фойдалилиги, самарадорлиги, қиймати ва барқарорлигига таъсир кўрсатиши, иқтисодий кредитлашнинг ҳажми ва қийматини баҳолаш масалаларини тадқиқ этган. Г.Н.Белоглазова, В.В.Герашенко, В.Н.Живалов, Е.Ф.Жуков, Л.П.Кроливецкая, О.И.Лаврушин, В.В.Масленников, О.П.Овчинникова, Г.С.Панова, В.Г.Садков, А.Ю.Симановский, А.М.Тавасиев, Г.А.Тосунян каби россиялик олимларнинг асарларида банк хизматлари бозорида рақобат масалаларига катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистонлик олимлардан: Ш.Абдуллаева, Т.Бобакулов, А.Вахабов, Н.Жумаев, О.Иминов, Ф.Мирзаев, А.Омонов, О.Ортиков, Т.Каралиев, Н.Каримов, Ж.Исаков, И.Тоймухамедов, Р.Таджиев ва бошқаларнинг<sup>6</sup> илмий ишларида банк фаолиятининг айрим масалалари тадқиқ этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган илмий ишларнинг аксарияти, асосан, банк рақобатининг муайян жиҳатларини назарий таҳлил қилишга бағишланган бўлса-да, бироқ тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини шакллантириш, сақлаб қолиш, кучайтириш ва амалга ошириш бўйича берилган тавсиялар етарли даражада эмас. Шу билан бирга, тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича аниқ масалалар деярли кўриб чиқилмаган. Тижорат банкларининг рақобатдош устунликлари ва банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини баҳолаш, шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари етарлича ўрганилмагани ушбу йўналишни илмий ишланмаларнинг энг истиқболли объектларидан бирига айлантириб, мазкур диссертацион тадқиқот мавзуси, мақсади ва вазифаларининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университети илмий тадқиқот

---

<sup>4</sup> Monti M. Deposit, credit, and interest rate determination under alternative bank objectives // Szego G.P., Shell K. Mathematical methods in investment and finance. Amsterdam: North Holland Pub. Co., 1972.

<sup>5</sup> Конюховский П.В. Микроэкономическое моделирование банковской деятельности. - СПб.: Питер, 2001.

<sup>6</sup> Ш.Абдуллаева. Банк иши. ТФИ. 2003; Ф.Мирзаев. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс. на соискание уч.ст. д.э.н. - Т.: 2009; А.Омонов. Тижорат банклари ресурсларини самарали боқариш масалалари. Автореферат дисс. на соискание уч.ст. д.э.н. -Т.: 2008; О.Ортиков. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Автореферат дисс. на соискание уч. ст. к.э.н. -Т.: 2009; Ж.Исаков. Повышение эффективности кредита в развитии сферы услуг. Автореферат дисс. на соискание уч.ст. д.э.н.- Т.: 2016.

ишлари режасининг «Иқтисодий таркибий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш шароитида тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва тартибга солишнинг табиати, қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганиш;

ташкilotларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш ва рақобатдош устунликларини шакллантириш бўйича мавжуд назарияларни таҳлил қилиш асосида бозор муҳитининг жадал ўзгарувчанлиги шароитида тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини шакллантиришда концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш;

рақобат муносабатлари ва тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини кучайтириш нуқтаи назаридан банк тизимининг ҳозирги даврдаги шаклланиш тенденциялари ва ривожланиш муаммоларини тадқиқ этиш;

банк капиталининг ўсиши ва марказлашиши шароитида банкларнинг рақобатдош устунликлари ва рақобатдош стратегияларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини баҳолашнинг услубий апаратини асослаб бериш;

мамлакатдаги иқтисодий ислохотларнинг янги босқичини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида банк хизматлари бозорида рақобатдош устунликларни шакллантириш, кучайтириш ва сақлаб қолишни мақсад қилган йирик тижорат банклари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини ошириш билан боғлиқ бўлган банк бозори иштирокчиларининг рақобати жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацион тадқиқот жараёнида аниқ мақсад ва вазифалар билан белгиланган иқтисодий, иқтисодий-статистик ва бошқа илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкининг рақобатдош устунликларига эришиш «ходим – мижоз» муносабатлари соҳасидаги кўрсаткичлар орқали рационал баҳолашни амалга ошириш асосида банкнинг турли тузилмалари ўртасидаги ички рақобатни кучайтириш ҳисобига такомиллаштирилган;

тижорат банки фаолиятининг истиқболли йўналишлари ва молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари аниқлаш рақобатдош банкларнинг



миқдор ва сифат параметрлари, бозор муҳити кўрсаткичларининг динамиклиги ва ностационарлиги ҳамда банк мижозларининг хатти-ҳаракатларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

мамлакатдаги йирик банкларнинг рақобатдош устунликларини баҳолаш МДҲ мамлакатлари етакчи тижорат банклари фаолиятини банк даромадлилиги, капитални бошқариш ва рақобатдошлик даражасини ифодаловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар орқали таққослаш асосида такомиллаштирилган;

«Асака» акциядорлик-тижорат банкининг рақобатдош устунликларини ошириш бўйича 2021 йилга қадар давр учун сценарий усули асосида кўп вариантли прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳукумат томонидан банкларнинг кредит фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш мақсадида кредитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш зарурлиги асосланган, бу эса келгусида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкалари пасайтирилишини талаб этади;

истикболли инновацион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи банклар учун мўлжалланган рақобатдош устунликларга эришишга қаратилган стратегиялар тизими ташкилий, ахборот ва технологик инновацияларни амалга ошириш орқали асосланган;

инновацион ривожланиш стратегияси асосида тижорат банкининг рақобатдош устунликларига эришиш йўллари очиб берилган, тижорат банкининг барқарор рақобатдош устунликларини таъминловчи инновацион стратегияларни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

фаолияти, биринчи навбатда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилган йирик тижорат банкларининг келажакда рақобатдош устунликларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга йўналтирилган кўп вариантли прогнозли ҳисоб-китоблари амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги турли илмий ёндашувлар ва усуллар, расмий манбалардан олинган таҳлилий материаллар ва статистик маълумотлардан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг манбалари, тижорат банкларининг йиллик ҳисоботлари, халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатларнинг, шу жумладан, МДҲ мамлакатларининг расмий манбаларидан, муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги, хусусан, тадқиқотнинг тижорат банклари йиллик ҳисоботлари таҳлили асосида ўтказилганлиги, шунингдек, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга татбиқ этилгани билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи-олимларнинг банк соҳасидаги рақобат, тижорат

банклари фаолиятининг натижаларига уларнинг рақобатдош устунликларининг таъсири масалалари бўйича илмий ва назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлилига ҳамда илғор хорижий тажрибанинг умумлаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда шакллантирилган қоидалар, хулосалар, таклифлар рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш, шунингдек, Марказий банкнинг банк бозорини тартибга солиш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, ишнинг айрим қоидалари турли даражадаги ҳокимият органларининг фаолиятида рақобатбардош банк бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш муаммоларини ҳал қилишда ва тижорат банкларининг амалий ишларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тижорат банкининг рақобатдош устунликларини ошириш учун диссертация ишида шакллантирилган хулосалар, таклифлар ва тавсияларни амалий қўллаш имконияти орқали фойдаланади. Диссертация ишининг айрим қисмларидан замонавий талабларга жавоб берадиган банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий тавсифга эга айрим натижалари тижорат банклари томонидан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Тадқиқотнинг асосий натижаларидан олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнларида «Пул, кредит ва банклар», «Банк иши», «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанлари бўйича бакалавр ҳамда магистрлик дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини шакллантириш ва оширишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

тижорат банкининг рақобатдош устунликларига эришишни «ходим – мижоз» муносабатлари соҳасидаги кўрсаткичлар орқали рационал баҳолашни амалга ошириш асосида банкнинг турли тузилмалари ўртасидаги ички рақобатни кучайтириш ҳисобига такомиллаштириш таклифидан «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган Стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Асака» АТБнинг 2018 йил 9 августдаги РК-19-15/5639-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида, банк ҳисоб-китобларига кўра, нисбий даромадлиликнинг ўртача тортилган ўсиши 1,5 фоизга ошган;

тижорат банки фаолиятининг истикболли йўналишлари ва молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари аниқлашда рақобатдош банкларнинг миқдор ва сифат параметрлари, бозор муҳити кўрсаткичларининг динамиклиги ва ностационарлиги ҳамда банк мижозларининг хатти-ҳаракатларини ҳисобга олиш таклифидан «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг маркетинг таҳлилинини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишда

фойдаланилган («Асака» АТБнинг 2018 йил 9 августдаги РК-19-15/5639-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида банк фаолиятининг истиқболли йўналишлари ва молиявий барқарорлигини ошириш йўллари аниқланиб, банк соҳасидаги амалиётларнинг кўлами 3 фоизга ошган;

мамлакатдаги йирик банкларнинг рақобатдош устунликларини баҳолашни МДХ мамлакатлари етакчи тижорат банклари фаолиятини банк даромадлилиги, капиталини бошқариш ва рақобатдошлик даражасини ифодаловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар орқали таққослаш асосида такомиллаштириш бўйича таклиф «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган Стратегик ривожланиш режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Асака» АТБнинг 2018 йил 9 августдаги РК-19-15/5639-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида банк кўрсаткичлари ривожланиш динамикасини аниқлаш имкони яратилиб, банкнинг молиявий кўрсаткичлари мақсадли параметрларидаги даромад маржаси (PM) 8,2 фоиздан 13,6 фоизгача кўтарилган;

«Асака» акциядорлик-тижорат банкининг рақобатдош устунликларини ошириш бўйича 2021 йилга қадар давр учун сценарий усули асосида ишлаб чиқилган кўп вариантли прогнози келгусида банкнинг барқарор даромад олиш қобилиятларини баҳолашда фойдаланилган («Асака» АТБнинг 2018 йил 9 августдаги РК-19-15/5639-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида банк соҳасининг кенгайиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда банк соҳасидаги амалиётлар кўламини ҳозирги вақтдаги 12 фоиздан келгусида 15 фоизгача етказиш имконияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 4 та мақола хорижий журналларда ва 7 та мақола маҳаллий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тижорат банкининг рақобат ва рақобатдош устунликлари назариясининг шаклланиши ва ривожланиши»** деб номланган биринчи бобида рақобат ва тижорат банкининг рақобатдош устунликларини белгиловчи назарий ёндашувлар танқидий таҳлил қилинган, тижорат банкининг рақобатдош устунликларини баҳолашнинг услубий хусусусиятлари тадқиқ этилган, тижорат банкининг рақобатдош устунликларини ошириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Диссертацияда тижорат банкининг рақобатдош устунликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий ёндашувлари танқидий кўриб чиқилган. Рақобат элементларини атрофдаги дунё деярли барча соҳаларда топиш мумкин: табиатда, спортда, сиёсатда, маънавий соҳада. Иқтисодиётда рақобат иқтисодий ёки бозор рақобати шаклида намоён бўлади.

Диссертацияда ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, илмий адабиётларда «рақобат» тушунчасига турли хил қарашлар мавжуд. Классик иқтисодий назария асосчиси, инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини ўрганиш» номли фундаментал асарида рақобатни нархларни оширувчи (таклиф пасайганда) ёки пасайтирувчи (ортиқча таклиф бўлганда) рақобатлашув деб белгилаб берган.

Замонавий рақобат назарияси асосчиси, америкалик олим Майкл Портер рақобатни янги маҳсулот, маркетинг усуллари, ишлаб чиқариш жараёнлари ва бозор сегментлари пайдо бўладиган динамик ва ривожланаётган жараён сифатида тавсифлайди<sup>7</sup>.

М.Портернинг фикрига кўра, рақобатнинг моҳияти бешта куч билан ифодаланади: янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши хавфи; ўрнини босувчи товарларнинг пайдо бўлиши хавфи; эҳтиёт қисмларни етказиб берувчиларнинг савдолашиш қобилияти; мавжуд рақобатчиларнинг ўзаро рақобати; харидорларнинг савдолашиш қобилияти. Бешта кучнинг ҳар

---

<sup>7</sup> Портер М. Международная конкуренция и конкурентные преимущества стран. - М: Междунар. отношения, 1993. -895 с.

бирининг аҳамияти тармоқдан тармоққа ўтишда ўзгаради ва натижада, тармоқларнинг даромадлилигини белгилайди<sup>8</sup>.

Бозор рақобатининг турларидан бири бу молия бозоридаги рақобатдир. Бунда банк маҳсулоти ва хизматлари рақобат предмети бўлиб, улар ёрдамида тижорат банклари мижозларнинг пул маблағларини жалб қилишга ва турли хил хизматларни кўрсатишга интилишади. Кенг маънода банк фаолияти мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Банк хизматлари бозорида рақобат объекти – бу мижоздир, яъни молиявий хизматларнинг муайян тўпламидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Тижорат банкига нисбатан қўлланиладиган «рақобатбардошлик» тушунчасини рақобат бозори шароитида самарали хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва таклиф этилаётган хизматларни даромадли сотишга эришиш деб тушуниш лозим. Банк хизматлари бозоридаги рақобат, уни бошқа товар ва нотовар бозорлардаги рақобатдан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Муаллифнинг фикрига кўра, тижорат банкининг рақобатбардошлиги деганда, кредит ташкилотининг рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва бозорга чиқариш, мижозларнинг барча талабларига жавоб берадиган ишончли ва замонавий банкнинг ижобий имижини яратишдаги салоҳиятли ва реал имкониятлари тушунилиши керак.

Тижорат банкининг рақобатбардошлигининг ошиши кўп жиҳатдан банкнинг рақобатдош устунликларни бошқариш сифати ва давлат томонидан рақобат муҳитини тартибга солиш сифатига боғлиқ. Банк бозор ва ўз имкониятларини ўрганганда, унинг рақобатдош устунликларини аниқлашига имкон беради, яъни банкнинг моддий ва номоддий активларини, шунингдек, банк учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ва рақобатчиларни четлаб ўтишга имкон берадиган фаолият соҳалари.

Рақобатдош устунликларни қўлга киритиш ва сақлаб қолиш тижорат банкининг энг муҳим вазифасидир, чунки айнан шу унинг узоқ муддатли истиқболда ишончли фойда олиш манбаи ва молиявий барқарорлигини таъминлайди. Айтишимиз мумкинки, тижорат банки рақобатчилардан кўра рақобат кучларини яхшироқ енгиб ўтганда ҳамда унинг рақобатдош стратегияси муваффақиятли бўлганда, яъни рақобатчиларидан кўра банк юқорироқ даромадга эга бўлса, рақобатдош устунликка эга бўлади.

Тижорат банкининг барқарор рақобатдош устунлиги, биринчидан, банк томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ёки хизматлар баҳолашнинг бир ёки бир нечта асосий мезонларига мувофиқ ноёб бўлиши кераклигини, ва унга кўра, мижоз танлов амалга оширади ва сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишни англатади. Иккинчидан, маҳсулот ёки хизматларнинг табақаланиши етарлича жиддий фарқга эга бўлиши керак, яъни ушбу фарқни

---

<sup>8</sup> Портер М.Э. Конкуренция, обновленное и расширенное издание: пер. с англ. - М.: И.Д. Вильямс, 2010. - 592 с.

рақобатчилар ҳеч бўлмаганда уларнинг иқтисодий жиҳатдан оқилона саъй-ҳаракатлари орқали енгиб ўтмасликлари лозим. Учинчидан, рақобат барқарорлигини таъминлаш учун фарқни етарлича узоқ вақт давомида ушлаб туриш керак, яъни рақобат босимининг ҳаракатдаги кучлари таъсири ва рақобатчи банкларнинг мумкин бўлган ҳаракатларига қарамасдан натижанинг барқарорлигини сақлаб қолиш лозим (1-расм).



**1-расм. Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини белгилайдиган банк хизматлари сифатининг тавсифлари<sup>9</sup>**

Тижорат банкининг рақобат устунликларини белгилашда муаллифлик ёндашуви шакллантирилган. Муаллиф фикрича, тижорат банкининг рақобатдош устунликлари унинг хизмат ва маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятини шундай белгилайдики, бунда уларни амалга ошириш банк бизнеси ва банк капитали рентабеллиги даражасининг ошишига олиб келади. Банкнинг рақобат устунликлари даражасининг асосий белгилари қўйидагилар: таклиф этилаётган хизматларнинг сон жиҳатдан турли-туманлиги, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, шунингдек, тақдим этилаётган хизматлар сервис ва сифати даражасини ошириш, инновацияларни доимий татбиқ этиш, ўз мижозларига сифатли сервис тақдим этиш ва банк ходимларининг малакасини доимий ошириш.

<sup>9</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банкининг рақобатбардошлиги ва рақобатдош устунликлари унинг маҳсулотлари ва хизматларининг рақобатбардошлиги билан бевосита боғлиқдир. Улар ўртасида яқин тўғридан-тўғри ва тескари боғлиқлик мавжудлигини таъкидлашимиз мумкин, улар бир-бирини белгилайдилар ва қайси тоифанинг муҳимлиги ва банкнинг чакана бозоридаги муваффақиятли фаолиятининг бирламчи сабабини аниқлашга имкон берадилар (2-расм).




**2-расм. Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини шакллантиришга асос бўлувчи тизим яратувчи омиллар ва шароитлар<sup>10</sup>**

Диссертант юқорида келтирилган ички ва ташқи ташкил этувчилар жамланган ҳолда тижорат банкининг рақобатдош устунликларини шакллантиришга асос бўлувчи тизим яратувчи омиллар ва шароитлар мажмуини аниқлаб беради деб ҳисоблайди. Натижада, тижорат банкларининг устунликларини яратиш ва ривожлантириш миқдорлар учун қийматлилигини белгиловчи тўрт усул билан яратилади: таклиф этилаётган банк маҳсулотлари сифатини ошириш, миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилувчи банк ходимларининг ваколатлилиги ва малакаси, банк хизматлари нархини пасайтириш (миқдор учун қулай) ва миқдор бизнесини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.

<sup>10</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, тижорат банкининг рақобатдош устунликка эришишининг муҳимлиги унинг ходимлар кўникмаларининг устунликларини, қўлланилаётган банк технологиялари ва мижозларга такдим этилаётган хизматларни позицион устунликларга айлантириш қобилиятида намоён бўлади, бу эса, ўз навбатида, банк фаолиятида ижобий таъсир кўрсатади. Доимий ички ва ташқи ўзига ўзи баҳо бериш ва узлускиз такомиллаштириш стратегияси асосида рақобатдош устунликларга эришиш ва уларни сақлашга йўналтирилган бошқарув тизими бошқарувнинг замонавий фанида янги йўналиши – рақобатдош устунликлар менежментини шакллантиришга кўмаклашади.

Рақобатдош устунликлар менежментининг схематик моделини ромб шаклида тасвирлаш мумкин (3-расм), унинг асосида рақобатдош устунликларга эришиш учун тўртта асосий концепция мавжуд: раҳбарнинг етакчилик фазилатлари, ходимларнинг лаёқатлилиги (компетентлилиги), инновацияларни татбиқ этиш ва ривожланиш стратегияси.



**3-расм. Тижорат банкининг рақобатдош устунликлари менежментининг ромб шакли <sup>11</sup>**

Банкда мажбурий тарзда рақобатбардошлик соҳасида тегишли стратегия ёки стратегиялар мажмуи ишлаб чиқилиши шарт. Стратегиялар мақсади, даврий кўрсаткичлари ва бошқа хусусиятларига кўра фарқ қилиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг асосий вазифаси рақобатчиларга нисбатан маълум бозор устунликларига эга бўлишни таъминлашдир.

Тижорат банкининг стратегиясини аниқлаш банкининг истиқболдаги ривожланиши йўналишлари бўйича қарор қабул қилиш учун зарурдир. Бундай таомил муҳитни таҳлил қилиш босқичида олинган натижаларни шакли ўзгарган жараённи ўз ичига олади.

<sup>11</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.



Юқорида тилга олинган назарий қоидалар «Асака» банкнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган стратегик ривожланиш режасида ўз аксини топиб, уни ишлаб чиқишда муаллиф фаол иштирок этган<sup>12</sup>.

«Асака» банкнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган стратегик ривожланиш режасида Банкнинг келгуси даврдаги фаолиятининг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, раҳбариятнинг етакчилик фазилатлари банкнинг энергетика, нефтгазкимё, машинасозлик ва бошқа тармоқларни кенг кўламли модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишини амалга оширишда фаол иштирок этишида намоён бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг рақобатдош устунлиги муҳитини шакллантириш омилларини баҳолаш ва услубий воситалари»** деб номланиб, унда тижорат банкнинг рақобатдош устунликларини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган. Услубиётни ишлаб чиқишда диссертант бир банкнинг иккинчи банкка нисбатан рақобатдош устунликларини комплекс баҳолашга имкон берадиган ягона усулни яратиш мумкин эмаслигига асосланди. Таклиф этилаётган тижорат банкнинг рақобатдош устунликларини баҳолаш усуллари банкнинг рақобатбардошлигини баҳолаш моделини ташкил этувчи омиллардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда банкнинг рақобатбардошлигини ошириш стратегияси орқали амалга оширилган.

Муаллифнинг фикрича, тижорат банкнинг рақобатдош устунликларини комплекс баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашув ҳозирги замон шароитидаги энг муҳим тоифа – рақобатдош устунликларнинг услубий базасини ишлаб чиқишда ҳисса қўшади. Таклиф этилаётган услубиётнинг қўлланилиши тижорат банкига рақобатчиларни инобатга олган ҳолда самарали фаолиятни ташкил этиш мақсадида ўзининг ички таҳлилий механизминини кенгайтириш, асосланган бошқарув қарорларини шакллантириш ва истиқболда тижорат банкнинг оқилона бозор стратегиясини белгилашда имкон беради.

Агар банк хизматлари бозори иқтисодий ўсишга имкон бермаса, унда тижорат банкнинг рақобатдош устунликларини излаш мақсадга мувофиқ эмас. Бозор ҳажми, уни рақобатчилар ўртасида тақсимлаш хусусияти, шунингдек, бозор улушларининг омилли таҳлили тижорат банкида мавжуд реал устунликларга эга соҳаларни аниқлашга имкон беради. Рақобат шиддатлилигини баҳолаш билан бирга, бу маълумот, бир томондан, бизнеснинг жозибадорлигини белгилайди, бошқа томондан, банкнинг рақобатдош устунликларини шакллантирувчи базавий кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради.

Банк хизматлари бозорининг ҳажми асосий кўрсаткичлар бўйича аниқлангандан сўнг, маълум бир тижорат банкнинг рақобатдош

---

<sup>12</sup>«Асака» банкнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган стратегик ривожланиш режаси. – Т.: «Асака» банк, 2018.

устунликларини аниқлаш талаб этилади, бунинг учун, бизнинг фикримизча, банкнинг активлар, капитал, кредитлар, депозитлар ва бошқа маблағлар бозоридаги улушини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини баҳолашда ушбу банкка тегишли бўлган бозор улушини аниқлаш керак.

Банк хизматлари бозоридаги рақобатнинг энг муҳим натижаларини акс эттирувчи амалдаги бозор улуши тижорат банкининг бозордаги устунлик даражасини, кўриб чиқиладиган банк хизматлари гуруҳи бўйича талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибий хусусиятларига таъсир кўрсатиш мумкинлигини кўрсатади. Рақобатчиларнинг бозордаги улушларини ўрганиш мамлакатнинг банк тизимидаги рақобатдаги кучларнинг тақсимланишини аниқлашга имкон беради.

Банк хизматлари бозорининг улуши муайян тижорат банкининг активлари, капитали, кредитлари ва депозитларининг ушбу кўрсаткичларнинг бутун банк тизими бўйича умумий ҳажмидаги салмоғи сифатида аниқланади. Ушбу кўрсаткичларнинг юқори қийматга эгаллиги муайян бир банкнинг тегишли банк хизматлари бозоридаги рақобатдош устунлиги мавжудлигидан далолат беради. Кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг улушини ҳисоблаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш таклиф этилади:

$$d_{ак} = \frac{AK_{к.б}}{AK_{б.с}}, \quad d_{кап} = \frac{K_{к.б}}{K_{б.с}}, \quad d_{кр} = \frac{KP_{к.б}}{KP_{б.с}}, \quad d_{дп} = \frac{ДП_{к.б}}{ДП_{б.с}},$$

бу ерда:  $d_{ак}$ ,  $d_{кап}$ ,  $d_{кр}$  и  $d_{дп}$  – мос равишда муайян тижорат банкининг активлар, капитал, кредитлар ва депозитлар бозоридаги улуши, фоизда;

$AK_{к.б}$  – тижорат банкининг активлар ҳажми, млн. сўм;

$AK_{б.с}$  – банк тизимининг активлар ҳажми, млн. сўм;

$K_{к.б}$  – тижорат банкининг капитал ҳажми, млн. сўм;

$K_{б.с}$  – банк тизимининг капитал ҳажми, млн. сўм;

$KP_{к.б}$  – тижорат банкининг кредитлар ҳажми, млн. сўм;

$KP_{б.с}$  – банк тизимининг кредитлар ҳажми, млн. сўм;

$ДП_{к.б}$  – тижорат банкининг депозитлар ҳажми, млн. сўм;

$ДП_{б.с}$  – банк тизимининг депозитлар ҳажми, млн. сўм.

Келтириб ўтилган кўрсаткичлар муайян бир тижорат банкининг тегишли банк хизматлари бозоридаги ўрнини акс эттиради. Шу билан бирга, таҳлил қилиш мақсадида ушбу кўрсаткичларнинг нафақат динамикасини ҳисоблаш ва ўрганиш, балки бозорнинг айрим омилларининг активлар, капитал, кредитлар ва депозитлар улушининг ўзгаришига таъсир қилиши ҳам амалий қизиқиш уйғотади.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси банк сектори ривожланиши ва иқтисодий ўсишининг ўзаро боғлиқлигининг макроиқтисодий жиҳатлари ўрганилган, Ўзбекистон тижорат банкларининг рақобатдош устунликлари ривожланиш динамикасининг қиёсий таҳлили амалга оширилган, Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини амалга ошириш шароитида йирик тижорат банкларининг рақобатдош устунликларини ошириш йўллари баён этилган.

Агар банklar инвесторлар ва барқарор иқтисодий ўсиш йўлига чиқиш ва замонавий технологик асосда иқтисодиётни таркибий қайта қуришга муҳтож бўлган иқтисодиётнинг реал секторига пул маблағларини киритишга тайёр бўлганлар ўртасида ўзаро боғловчи бўғин сифатида иштирок этганидагина банк секторининг фаолиятини самарали деб ҳисоблашимиз мумкин.

2005-2018 йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан энг муҳим замонавий ва юқори технологияли саноат ишлаб чиқариши ва қувватларини ишга тушириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга қаратилган устувор вазифалар доирасида бир қатор кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2005 йилда 4,0 трлн. сўмдан 2018 йилда 165,4 трлн. сўмдан ортиқ миқдоргача ўсди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миллий иқтисодиётнинг ўсишига ёрдам беради, бу эса мамлакат ЯИМнинг ошишида ижобий ақс этади. ЯИМ ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун биз қуйидаги моделни яратдик:

$$Y = 7,9775 + 4,0424X$$

$$R^2 = 0,9856;$$

$$\text{Фишер мезони: } F = 549,62; t_{\text{статистика}} = 2,1453$$

Кўп сонли детерминация коэффицентининг қиймати  $R^2 = 0,9856$  га тенг, корреляция коэффиценти эса  $R = 0.9928$  қийматига эга. Шундай қилиб,  $X$ -омилли (иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми) ва натижавий аломати (ЯИМ) ўртасида вужудга келадиган ўзаро боғлиқлик жуда яқин. Бундан ташқари, ялпи ички маҳсулот ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ижобийдир. Фишер мезони ва  $t$ -статистика бўйича келтирилган қийматлар ЯИМ ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Мамлакат банк хизматлари бозоридаги банклараро рақобатнинг ривожланиш даражасини баҳолаш мақсадида биз томонимиздан иқтисодий-математик модель ишлаб чиқилди. Математик модель кўпчизиқли регрессия кўринишида тузилган бўлиб, банк рақобатининг ривожланиш индекси –  $Y$  иккита омилга боғлиқлиги тавсифланади: минтақанинг банк хизматлари билан тўйинганлик индекси (ажратилган кредитлар ҳажми бўйича) -  $X_1$ , банкларнинг депозит базасини ривожлантириш индекси (аҳоли жон бошига тўғри келадиган депозитлар) -  $X_2$ .

Ҳисоб-китоблар натижасида қуйидаги моделга эга бўлдик:

$$Y = 23,6144 + 0,3755X_1 + 0,2612X_2$$

Ишлаб чиқилган кўпчизикли регрессия  $a_0$ ,  $a_1$  и  $a_2$  коэффицентлари банкларнинг депозит базасини ривожлантириш (аҳоли жон бошига тўғри келадиган депозитлар) ва банк хизматлари билан молиявий тўйинганлик (ажратилган кредитлар ҳажми бўйича) бўйича банк рақобатини ривожлантириш умумий индексининг эластик коэффиценти ҳисобланади. Чизикли корреляциянинг танланган коэффицентлари 0,5 дан ошмайди, демак, мультиколлинеарлик эффекти кузатилмайди.

Ушбу тенглама детерминация коэффиценти юқори қийматга эга эканлиги билан тавсифланади ( $R^2=0,9529$ ), яъни регрессия моделига киритилган иккита омил мамлакатда банк рақобати ривожланиши умумий индексининг ўзгарувчанлиги 90,8 фоизни ташкил этишини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, регрессия коэффицентлари жуда юқори даражада статистик аҳамиятга эга. 10,683 га тенг бўлган Фишер мезони олинган моделнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатади.


Ҳисобланган эконометрик модель шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида банк рақобатининг ривожланиш даражаси қуйидаги эластиклик коэффицентлари билан тавсифланади: 0,3575 – банклар депозит базасининг ривожланиши бўйича ва 0,2612 – ажратилган кредитлар ҳажмига кўра иқтисодийнинг молиявий тўйинганлиги бўйича.

Ишлаб чиқилган моделнинг эластиклик коэффицентлари таҳлили шуни кўрсатдики, аҳоли жон бошига депозитлар ҳажмининг 1 фоизга ўсиши банк рақобати жадаллиги ўртача 0,3755 фоизга ўсишини белгилайди. ЯИМ бирлигига тўғри келадиган ажратилган кредитлар ҳажмининг 1 фоизга ўсиши банк рақобати жадаллигининг ўртача 0,2612 фоизга ўсишини белгилайди.

Рақобатдош устунликларни баҳолаш таҳлиliga киритиладиган банкларнинг сони ва таркибини аниқлаш муҳимдир. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда 28 та тижорат банклари фаолият юритган. «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан тузиладиган йиллик рейтинг маълумотларига кўра, барча тижорат банклари уч гуруҳга бўлинган. 2018 йил натижаларига кўра, биринчи гуруҳ 9 та банкни бирлаштиради, уларнинг активлари 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакат банк тизими жами активларининг 62,30 фоизини ташкил этди. Ушбу 9 та банкдан рақобатдош устунликларни баҳолаш учун биз бешта банкни танлаб олдик: «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Ипотекабанк», «Агробанк» ва «Қишлоққурилишбанк».

Ушбу банкларнинг танлаб олинishi, уларнинг 2017 йил натижаларига кўра, МДХ мамлакатларининг TOP-200 банклари рўйхатига киритилганлиги билан белгиланади. Масалан, «Ўзсаноатқурилишбанк» 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра ўзининг 3,14 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги активлари билан 58-ўринни эгаллади, «Асакабанк» (65-ўрин, активлар – 2,58 млрд. долл.), «Ипотекабанк» (93-ўрин, активлар -1,55 млрд. долл.), «Қишлоқ қурилишбанк» (95-ўрин, активлар-1,49 млрд. долл.) ва «Агробанк» (117-ўрин, активлар -1,14 млрд.долл.).

Юқорида қайд этилган банкларнинг маълум «табiiй» рақобатдош устунликлари, шунингдек, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи амалга оширилиши муносабати билан келажакда улар фаолиятининг стратегик йўналишлари бўйича кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, диссертация ишида бизнесни юритиш учун тизимли ёндашув ишлаб чиқилди. Шундан келиб чиққан ҳолда тузиш тамойиллари ва Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва таркибий қайта қуриш шароитида тижорат банки томонидан мақсадли рақобатдош устунликларга эришишга йўналтирилган тизимли ёндашувнинг асосий элементлари тавсифланган.



**4-расм. Тижорат банкининг рақобатдош устунликларини таҳлил қилиш учун ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими<sup>13</sup>**

Диссертант томонидан таклиф этилган ёндашув банк фаолиятини таҳлил қилиш услубий апаратини такомиллаштириш бўйича таклиф қилинаётган йўналишларнинг амалга оширилиши кредит ташкилотига нафақат ўз бўлимлари фаолиятини баҳолаш, балки ахборот ва технологик жараёнларни тизимлаштириш ва банк махсулотларини жорий қилишни тезлаштиришга имкон беради. Буларнинг барчаси, пировардида, уларни жорий қилиш билан боғлиқ хатарларни камайтиришга, бизнесни юритиш бўйича танланган модель доирасида ташқи ва ички ўзаро алоқаларни такомиллаштиришга ва шу билан бирга, тижорат банкининг узоқ муддатли рақобатдош устунликларини таъминлашга ёрдам беради. Бунинг учун биз тижорат банкининг рақобатдош устунликларини баҳолашнинг ўзаро боғлиқ кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқдик (4-расм).

Таҳлилимининг кейинги босқичида кредитлаш бозори ва депозитлар бозоридаги зичлик (концентрация) даражасини аниқлаш муҳимдир. Бозор

<sup>13</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

концентрациясини баҳолаш учун кўп ҳолларда бешта етакчи банкнинг бозор улушини акс эттирувчи концентрация коэффицентидан фойдаланилади. Бундан ташқари, банк назоратини амалга ошириш ва банк бозори тузилмасини таҳлил қилиш мақсадида Херфиндаль-Хиршман индексидан фойдаланилади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**2005-2018 йиллар даврида Ўзбекистон йирик банкларининг нисбий концентрацияси коэффицентини динамикаси<sup>14</sup>. (улушда)**

Банклар номи ва кўрсаткичлар	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
<b>«Ўзсаноатқурилишбанк»</b>										
банкнинг кредитлардаги улуши	0,39	0,50	0,56	0,64	0,63	0,57	0,63	0,64	0,65	0,64
- банкнинг депозитлардаги улуши	0,47	0,45	0,48	0,49	0,45	0,42	0,41	0,43	0,45	0,50
<b>«Асака» банк</b>										
банкнинг кредитлардаги улуши	0,40	0,49	0,53	0,57	0,56	0,57	0,57	0,58	0,57	0,59
- банкнинг депозитлардаги улуши	0,46	0,49	0,51	0,55	0,48	0,46	0,46	0,47	0,50	0,49
<b>«Ипотекабанк»</b>										
банкнинг кредитлардаги улуши	0,37	0,46	0,50	0,55	0,55	0,57	0,57	0,57	0,59	0,60
- банкнинг депозитлардаги улуши	0,46	0,44	0,46	0,48	0,45	0,42	0,41	0,42	0,45	0,46
<b>«Агробанк»</b>										
банкнинг кредитлардаги улуши	0,39	0,48	0,51	0,55	0,55	0,56	0,55	0,56	0,58	0,59
- банкнинг депозитлардаги улуши	0,45	0,45	0,46	0,48	0,44	0,42	0,41	0,43	0,44	0,43
<b>«Қишлоққурилишбанк»</b>										
банкнинг кредитлардаги улуши	0,36	0,47	0,50	0,56	0,56	0,58	0,57	0,58	0,59	0,57
- банкнинг депозитлардаги улуши	0,42	0,43	0,44	0,46	0,42	0,40	0,40	0,40	0,41	0,42

Ҳозирги вақтда ҳар қандай тижорат банкининг фаолиятини бошқа банклар, шунингдек, бошқа мамлакатлар банклари тўғрисида ўхшаш маълумотга эга бўлмай туриб объектив ва чуқур таҳлил ўтказиб бўлмайди. Фақат турли мамлакатлардаги банкларнинг фаолиятини таққослаш орқали биз банклар фаолияти тўғрисида асосли хулоса чиқаришимиз мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда биз МДХ мамлакатларининг TOP-200 банкларига мурожаат қилдик ва ушбу рўйхатдан биз активлар ва эгаллаб турган ўрни бўйича ахамияти кўриб чиқиладиган Ўзбекистон банкларига

<sup>14</sup>Жадвал Ўзбекистон банк секторининг тегишли йиллардаги таҳлилий шарҳ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган ва тузилган.

яқин турадиган бешта тижорат банкини танлаб олдик. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз томондан МДХ мамлакатларининг қуйидаги тижорат банклари танлаб олинди: «Forte bank» (Қозоғистон, 57-ўрин, активлар - 3,14 млрд. долл.), «Транскапиталбанк» (Россия, 61-ўрин, активлар - 2,90 млрд. долл.), «Восточный экспресс» (Россия, 66-ўрин, активлар - 2,58 млрд. долл.), «Белгазпромбанк» (Белоруссия, 90-ўрин, активлар - 1,62 млрд. долл.), «Pasha Bank» (Озарбайжон, 97-ўрин, активлар - 1,47 млрд. долл.).

Банк фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи акциядорлик капиталининг рентабеллиги – ROE ҳисобланиб, соф фойданинг акциядорлик капиталига нисбати сифатида белгиланади. Кейинги жадвалда Ўзбекистоннинг бешта банки ва МДХ мамлакатлари бешта банкининг акциядорлик капиталининг рентабеллиги динамикаси кўрсатилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларидаги йирик тижорат банклари акциядорлик капиталининг рентабеллик динамикаси<sup>15</sup> (фоизда)

Банклар номи	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Ўзсаноатқурилишбанк	5,11	8,32	8,32	8,37	12,21	5,49	10,73	11,45
Асакабанк	4,31	8,47	9,55	9,41	9,62	11,38	11,01	12,87
Ипотекабанк	8,70	14,79	18,49	18,34	19,64	20,40	18,19	19,27
Агробанк	0,08	0,10	0,76	0,58	1,17	1,93	1,71	1,84
Қишлоқ қурилиш банк	1,33	2,91	2,15	2,93	6,06	6,22	6,25	6,85
Forte Bank (Қозоғистон)	-	30,96	12,29	18,94	24,50	51,43	24,23	37,15
Транскапиталбанк (РФ)	-	6,78	14,78	12,42	8,50	10,27	4,87	5,95
Восточный экспресс (РФ)	-	2,91	20,85	3,07	1,74	-3,98	-4,73	1,53
Белгазпромбанк (Белоруссия)	-	13,05	14,62	11,04	5,78	3,79	20,87	24,17
Pasha Bank (Озарбайжон)	-	12,02	10,82	7,15	3,21	0,82	5,69	7,14

